

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ – БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗНИНГ АСОСИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан ярқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 24 февраль куни Қашқадарё вилоятига ташриф буюрди.

Қашқадарё вилоятининг иқтисодий салоҳияти улкан. Бугунги кунда мамлакатимизда қазиб чиқарилаётган табиий газнинг 70 фоизи, нефтнинг қарийб 78 фоизи, газ конденсатининг 80 фоизи, фоланин 13 фозидан ортиги, пахтанинг 14 фозидан зиёди ушбу вилоят ҳиссасига тўри келади.

Вилоятда саноат изчил ривожланмоқда. Ялпи ҳудудий маҳсулотда бу соҳанинг улуши 38 фоизни ташкил этаётгани ҳам шундан далolat беради. "Шўртан нефть-газ", "Муборак нефть-газ" корхоналари, "Шўртан газ-кимё" мажмуаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, Толлимажон иссиқлик электр станцияси, "Ҳисор нефть-газ" каби илмий ишлаб чиқариш қувватлари мамлакатимиз саноатида салмоқли ўрин тутадими.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 51,6 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд аҳолининг қарийб 80 фоизи шу тармоқда меҳнат қилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида мўл ҳосил етиштирилмоқда, таркибий ўзгаришлар давом эттирилмоқда. Сўнгги беш йилда 3 минг 200 гектар пахта майдони қисқартирилиб, картошка, мева-сабзавот ва полиз экинлари етиштириш йўлга қўйилган. Охириги уч йилда фермер хўжалиқларининг 22 фозидан зиёди кўп тармоқли хўжаликка айлантирилган.

Барча соҳаларда амалга оширилаётган ана шундай ислохотлар натижасида кейинги беш йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2 баробар ошган, ҳудудий экспорт ҳажми 100 миллион долларга етган ва 2011 йилга нисбатан 2,5 баробар кўпайган. Бундай ўсиш суръатлари одамларнинг турмуш шароитида, вилоят шаҳар ва қишлоқлари қиёфасида намоён бўлмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари бу икки қадимий шаҳар қиёфасини тубдан ўзгартирди. Қарши шаҳрининг ҳудуди 9 минг гектардан 17 минг гектарга, Шаҳрисабз шаҳрининг ҳудуди 3 минг 300 гектардан 4 минг 900 гектарга кенгайтирилди.

Муस्ताқиллигимизнинг 25 йиллик тўйи нишонланган 2016 йилда Қашқадарё устидаги қадимий Амир Темур кўприги реконструкция қилиниб, дарёнинг икки қирғида Қарши ахли ва меҳмонлар дам оладиган сўлим масканлар барпо этилди. Тошкент – Қарши йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланувчи "Афросиёб" тезкор электр поезди қатнов йўлга қўйилди.

Шавкат Мирзиёев ўзининг сайловонди дастурида бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Қашқадарё вилояти ривожини ҳам янги босқичга кўтариш бўйича улкан режа ва мақсадларни баён этган эди. Президентимиз Қашқадарёга ташрифи давомида ана шу режалар ижроси, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва истиқболли лойиҳалар билан танишди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қарши туманида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги истиқболли лойиҳаларни кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари Қосон туманида барпо этиладиган чорвачилик комплекси лойиҳасини кўздан кечирди. Қашқадарё вилоятда қишлоқ хўжалиги изчил ривожланиб, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва бошқа тармоқларда юқори натижаларга эришилмоқда. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этилаётгани, хусусий мулкчиликка кенг йўл очилгани халқимиз фаровонлигини янада ошириш имконини бермоқда.

Икки минг бош қорамол боқишга мўлжалланган замонавий типдаги чорвачилик комплекси аҳолини гўшт ва сут билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Маҳмуа қурилиши учун 12 гектар, чорва молларига озқабоб экинлар етиштириш учун 750 гектар ер майдони ажратилди. Бу ерда йилга 4 минг 280 тонна сут ва 210 тонна гўшт етиштириш, 140 иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Умумий қиймати 14 миллиард сўм бўлган лойиҳани келгуси йилнинг биринчи чорагида ишга тушириш режалаштирилган.

Президентимиз чорвачилик комплексига ҳориждан наслдор қорамоллар олиб келиш, уларни зарур технологиялар асосида парвартириш, етиштирилган маҳсулотни қайта ишлашни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Мутахассисларга зарур тавсиялар берди.

Нишон туманида Вьетнам технологияси асосида балиқ етиштиришга ихтисослашган агрофирма ташкил этилмоқда. Агрофирма вилоятдаги балиқчилик хўжалиқларига ўз фаолиятини самарали ташкил этиши учун машина-механизм хизматлари, балиқ увилдириклари, омихта ем етказиб беради. Етиштирилган балиқни сотиш ёки қайта ишлашни йўлга қўяди.

Агрофирмада балиқ увилдириклари етиштирилиб, сув омборига ўтказилади. Бу ерда балиқ чавоқлари етиштирувчи инкубацион җеҳ, 600 тонналик музлаткич, балиқ маҳсулотларини қайта ишлашчи корхона, 800 тонна маҳсул омихта ем ишлаб чиқарувчи җеҳ ташкил этилиши режалаштирилган. Йилга 500 тонна балиқ қайта ишлашчи агрофирмада 90 иш ўрни ташкил этилади.

Қашқадарёнинг сув ҳавзалари имкониятларидан самарали фойдаланиб, вилоятда балиқчиликни ривожлантириш, балиқ истеъмолчини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди. Бу халқимиз "луқмаи ҳалол" деб эъзозлайдиган балиқ гўштининг мўл-кўл бўлишини таъминлайди, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлайди.

Қамаши туманида 5 минг курка боқишга мўлжалланган мажмуа ташкил этилади. Голландиядан келтирилмаган маҳсулдор зот ва замонавий технологиялар асосида мажмуада йилга 20 минг курка жўжаси етиштирилиб, аҳолига етказиб берилади. Уни жорий йилнинг декабрь ойида ишга тушириш, 30 иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда. Мазкур лойиҳа самарасида ҳар бир хонадонга 100 тадан курка жўжаси тарқатилиши оила-лар даромадини оширишда муҳим ўрин тутуши таъкидланди.

Қамаши туманида қуён етиштириш, қуён гўшти ва терисини қайта ишлашга ихтисослашган хўжалик ташкил этилмоқда. "Қамаши момиқ қуёнлари" агрофирмаси томонидан амалга оширилаётган ушбу лойиҳа самарасида 30 минг қуён етиштирилиб, йилга 120 тонна гўшт ва 40 минг дона тери тайёрланади. Хўжалиқда 30 киши ишлайди. Бундан ташқари, қуёнлар 500 хонадонга тарқатилади. Аҳоли парҳез гўшт ва қўшимча даромад билан таъминланади.

Давлатимиз раҳбари Қарши насос станциялар каскадини қайта тиклаш – III фаза" лойиҳаси билан танишди. Ушбу ирригация тармоғи эскирган, қувур ва станцияларга Амударё сувининг лойқаси җўкиб қолгани сабабли сув исроф бўларди. Олинган сувга нисбатан энергия сарфи ошиб кетарди.

Лойиҳа Қарши насос станциялар каскадининг 1-6-насос станцияларининг 9 насос агрегатини, 850 метр қувурларни янгилаш, сув келтирувчи канални лойқадан тозалаш ишларини амалга оширишни кўзда тутди. Бунинг учун 128 миллион 934 минг доллар маблағ сарфланади. Шунингдек, НС-1 ва НС-2 оралиғидаги каналнинг 8 километр қис-

мини ва каналнинг чап қирғоқ дамбасини таъмирлаш режалаштирилган. Лойиҳани бажариш натижасида 402 минг гектар суғориладиган майдоннинг сув таъминоти яхшиланади. Насос станцияларида йилга 106,5 миллион кВт соат электр энергияси тежалади.

Президентимиз бу ирригация тармоғи вилоят қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга эканини, таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини жадаллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Қарши туманида енгил саноатни ривожлантириш борасидаги янги лойиҳалар билан танишди. Биринчи лойиҳа – 2017-2019 йилларда вилоятда енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий корхоналар ташкил этиш ва мавжудларни модернизация қилиш бўйича манзилли дастур бўлиб, унда 17 корхона ташкил этиш режалаштирилган. "Ўзбекнигилсанот" акциядорлик жамияти ҳамда қатор тижорат банклари билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилаётган дастур доирасида 3000 га яқин иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Бугунги кунда вилоятда 7 тўқимачилик корхонаси фаолият юритмоқда. Мазкур корхоналар ҳудудда етиштирилаётган пахта толасининг 10 фоизини қайта ишлаш қувватига эга.

Шавкат Мирзиёев тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "ЛТ Текстиль Интернейшнл" Ўзбекистон – Хитой – Нидерландия қўшма корхонаси лойиҳаси билан танишар экан, Қашқадарё вилояти мамлакатимизда пахта толасини етиштириш бўйича етакчи ўринни эгаллаштириш, бу имкониятдан унумли фойдаланиш, етиштирилган пахта толасини қайта ишлаб, бозорга тайёр маҳсулот чиқариш қатта самара беришини алоҳида қайд этди.

Мазкур корхонанинг ишга туширилиши ҳудудда етиштирилаётган пахта толасини шу ернинг ўзида қайта ишлаш, аҳолининг реал даромадларини ошириш имкониятини яратди. Йилга 22 минг тонна рақобатбардош аралаш ип калава ва 50 миллион квадрат метр ип газлама ишлаб чиқариш режалаштирилаётган корхона маҳсулотларининг 80 фоизи экспортга йўналтирилади.

Президентимиз шу ернинг ўзида Яқкабоб туманидаги илгариги "Яқкабоб текс" корхонаси негизда барпо этилаётган "Universal Taraqqiyot Tekstil" қўшма корхонасига қўшимча инвестиция киритиш лойиҳаси билан ҳам танишди. Корхонада вилоятда етиштирилган пахта толаси қайта ишланиб, мато ва чойшаблар ишлаб чиқарилади. 400 иш ўрни яратилиши кўзда тутилаётган корхона тўлиқ қувват билан ишга туширилгач, йилга 6 миллион квадрат метр мато, 2 миллион жуфт чойшаб тайёрланади.

Замонавий ва энергия тежамкор технологиялар усқуналар бугун барча ишлаб чиқариш жабҳаларига татбиқ этилмоқда. Қарши шаҳридаги илгариги пахта тозалаш заводи негизда ташкил этилаётган "Wood Décor Production" қўшма корхонаси ана шундай замонавий технологиялар билан жиҳозланади. Швейцариянинг машҳур "Rieter", Япониянинг "Murata", "Yamata", Германиянинг "Mayer" компанияларининг юқори самарадорликка эга дастохлари ўрнатилаётган корхонада дунё бозорига рақобатбардош ип калавадан тортиб тайёр маҳсулотга ишлаб чиқарилади. Президентимиз таъкид этилаётган лойиҳа самарадорлигини ошириш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Мамлакатимизда пахта толаси ва ипак хомашесини қайта ишлаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш йўли билан рақобатбардош, ташқи бозорларда харидориги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ғузур туманидаги илгариги пахта тозалаш корхонаси негизда газлама ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестиция лойиҳаси билан танишар экан, Президентимиз янги иш ўринлари яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Бугун одамлар аниқ ва муҳим иш жойлари талаб қилмоқда. Бу талабни қондириш кўп жиҳатдан тадбиркорларга боғлиқ. Лойиҳа ишга тушгач, 600 иш ўрни яратилади.

(Давоми 2-саҳифада)

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

24 ФЕВРАЛЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Депутатлар фуқаролар, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Парламент қуйи палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлисларида вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида дастлабки тарзда муҳокама қилинган эди.

Депутатлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонини ижро этиш мақсадида ҳамда 2017 йилга мўлжалланган Солиқ ва бюджет сиёсати концепциясига мурофиқ ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилишдан бошладилар.

Таъкидланганидек, бугунги кунда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш жараёни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди ҳамда ягона комплекс ҳужжат – 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида ўтказилмоқда. Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш алоҳида йўналиш сифатида белгиланган. Ривожланган иқтисодий барча бошқа соҳаларни таъминлаштиришнинг муҳим омил сифатида кўриб чиқилмоқда. Иқтисодий ривожлантириш учун мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш зарур эканлиги қайд этиб ўтилди, бунга эса молиявий ва солиқ қўшимчалари билан самарали ҳал этиш орқали эришилади.

Шу сабабли қонун лойиҳасида тўловга оид тартиб-интизомни, солиққа оид маслаҳатлар бериш соҳасида кўрсатилмаган хизматлар сифатини, хорижий инвестицияларга эга бўлган корхоналарнинг ҳуқуқлари ва улар фаолиятининг кафолатларини таъминлаш назарда тутилмоқда. Қонун лойиҳасини тайёрлаш чоғида амалда мавжуд бўлган муаммолар таҳлил этилди, Австрия, Германия, Италия каби давлатларнинг ҳамда ҚДҲдаги бир қатор мамлакатларнинг таърибаси ўрганилиб, бу пировардида ҳужжатнинг сифатини яхшилаш

имконини берди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик соҳасини жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга, солиққа оид маслаҳатлар бериш масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тизимини таъминлаштиришга хизмат қилади.

"Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирларнинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Қайд этиб ўтилганидек, ушбу қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонда мавжуд бўлган нормаларнинг амалиётга татбиқ этилишини таъминлайди.

Қонун лойиҳасида Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик-процессуал, Жиноят-ижроия кодексларига ва "Судлар тўғрисида"ги ҳамда "Прокуратура тўғрисида"ги қонунларга "Хабас корпус" институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтиришга, тергов устида суд назоратини кучайтиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик-процессуал, Жиноят-ижроия кодексларига ва "Судлар тўғрисида"ги ҳамда "Прокуратура тўғрисида"ги қонунларга "Хабас корпус" институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтиришга, тергов устида суд назоратини кучайтиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Кўриб чиқилаётган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлиги ва, энг муҳими, аҳолининг одил судловга бўлган ишончи орттиришга хизмат қилади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш борасида айнан ана шу мезон асосий ҳисобланади.

– Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш таъминлаш мамлакатимиз Президентини раҳбарлигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади, – дейди Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Шухрат Мамажонов. – Киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларга мурофиқ жинойий жазолар тизимига "мажбурий жамоат ишлари"нинг киритилиши муносабати билан қамқот тартибидеги жинойий жазо бекор қилинади. Жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни ушлаб туриш, қамқоқ олиш ва уй қамоғи тартибидеги эътиёт чораларини қўллаш, дастлабки тергов, шунингдек, фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибидеги қайта кўриб чиқиш муддатлари қисқартирилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



ҚИШЛОҚДА ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ ЗИЁ МАСКАНИ

ҚУВА ТУМАНИДАГИ КАҚИР ҚИШЛОҒИДА "КИТОБ САРЧАШМАСИ" НОМЛИ КУТУБХОНА ИШ БОШЛАДИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан ташкил этилган кутубхонанинг очилиш маросимида мамлакатимизда китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини юксалтириш, китоб дўконлари савдосини кенг йўлга қўйиш, кутубхоналар

фаолиятини янада таъминлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ҳуқуқий, сиёсий, илмий, бадий адабиётлар билан таъминланган зиё масканида китобхонлар мутлоаси учун барча қулайликлар яратилган.

(Давоми 2-саҳифада)

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ – БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗНИНГ АСОСИДИР

(Боши 1-саҳифада)

Пахта экин майдонлари опти-маллаштирилиши ва ишнинг мавсу-мийлигини ҳисобга олиб, "Узпахта-саноатэкспорт" ҳолдинг компанияси тизимда меҳнат қилаётган ишчи-хон-димлар бандлигини таъминлаш, қўшимча даромад олиш мақсадида Қашқадарё вилоятидаги ёғ-мой кор-хоналарининг бўш майдонларида янги инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда. Қосон туманида ташкил этиладиган мева-сабзавот-ларни қуритиш цехи шулардан бири. 100 дан зиёд иш ўрни яратиладиган корхонада 10 минг тонна маҳсулот қайта ишланади. Қарши шаҳрида ташкил этиладиган музлаткича 500 тонна қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари сақланади.

Президентимизга Қарши тумани-да ташкил этиладиган 20 минг пар-ранда боқиб режалаштирилган мажмуа лойиҳаси ҳақида ҳам сўзлаб берилди. Йил давомида аҳолини сифатли парҳез гуш маҳсулотлари билан таъминлашга мўлжалланган мажмуа фаолият бошлашга, 22 киши доимий иш жойига эга бўлади.

Давлатимиз раҳбари "Шўртан газ-кимё" мажмуасининг тозалан-ган метани негизда синтетик суяк ёқилги (GTL) ишлаб чиқаришни таш-кил этиш" ва "Шўртан газ-кимё" ма-жмуасининг ишлаб чиқариш қувват-ларини кенгайтириш" лойиҳалари билан танишди.

"Шўртан газ-кимё" мажмуаси-нинг тозаланган метани негизда синтетик суяк ёқилги (GTL) ишлаб чиқаришни ташкил этиш" лойиҳаси-га кимё саноати йўналишида дунё-нинг илгор технологик ечимларини ўзда акс эттирган. Ушбу лойиҳа МДХ доирасидаги энг йирик ме-га-лоийҳалардан биридир.

Лойиҳа "Узбенефтверг" компани-яси таъсислигида амалга оширили-ши мамлакатимизнинг ёқилги-энер-гетика хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлиш бора-борида соҳанинг жадал суратларда тараққий этаётганидан далолат бе-ради.

Лойиҳа доирасида йилига 3,6 миллиард метр куб табиий газни қай-та ишлаш орқали 1,5 миллион тонна қўри сифатли "Евро-5" талаблари-га жавоб берадиган синтетик ёқил-ги ишлаб чиқарилади. Шундан 743 минг тонна дизель ёқилгиси, 311 минг тонна авиакеросин, 431 минг тоннаси нефть ва 21 минг тоннаси суулотилган газни ташкил этади.

Янги завод ишга туширилиши натижасида иқтисодиётнинг реал тармоқларини ривожлантириш, мам-лакатимизнинг транзит салоҳиятини янада ошириш, шунингдек, нефть маҳсулотлари бўлган эҳтиёжнинг асосий қисmini қановатлантириш ва нефть импортини камайтириш орқа-ли хорижий валютани тежашга эри-шилади.

Қурилиш-монтаж ишлари 2020 йилнинг иккинчи ярмида няхосига етказилиши, заводда қўшимча 682 янги иш ўрни яратилиши мўлжал-ланган.

Давлатимиз раҳбарининг кўрсат-малари асосида "Шўртан газ-кимё" мажмуасининг ишлаб чиқариш қув-ватларини кенгайтириш" лойиҳаси

концепцияси қайтадан кўриб чиқи-либ, ишлаб чиқариш жараёнига синтетик нефть хомашёсини жалб қилиш масаласи ўрганилди. Лойиҳа ишга тушгач, заводнинг полимер ишлаб чиқариш қуввати ҳозирги 125 минг тоннадан 450 минг тоннага, яъни 3,6 баробарга оширилиши таъ-минланади. Натижада нефть-кимё йўналишини ривожлантиришга кенг йўл очилади. Биринчи босқичда қўри қийматли хомашё синтетик нефтини қайта ишлаб, янги турдаги полиэтилен ва полипропилен билан биргаликда пиролиз дистиллятини ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Пиро-лиз дистиллятидан янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фой-даланиш имконияти ҳудудда техно-логик кластерни барпо этишга замин яратяди, истиқболда кимё, автомо-билсозлик, фармацевтика, қурилиш ва тўқимачилик соҳалари янада ривожланишида мўҳим омили бўлади.

Лойиҳа завод майдонида амал-га оширилиб, қурилиш ишлари ком-плекснинг ишлаб чиқариш жараё-нига таъсир этмаган ҳолда олиб борилади. Таъкидлаш жоизки, заводнинг мавжуд интеллектуал ва технологик салоҳиятидан фойдаланган ҳол-да қўшимча ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг таннархини сезилар-ли даражада камайтириш ва инвес-тициялар самарадорлигини янада оширишга эришилади. Қурилиш-мон-таж ишлари 2020 йилнинг тўртинчи чорағида якунланади ва лойиҳа до-ирасида 250 янги иш ўрни яратилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз иқтисодий ривожига мўҳим ўрин тутадиган ушбу лойиҳа-ларни молиялаштириш, усқуналар-ни ўз вақтида келтириш, қурилиш ишларининг йўл харитасини ишлаб чиқи-ш, корхоналарни белгиланган муддатларда ишга тушириб, аҳоли-ни иш билан таъминлаш бўйича зар-рур кўрсатмалар берди.

Президентимиз Қарши тумани-даги "Нукробод" қишлоқ фуқаролар йилғининг Яқкаёғоч массивида ян-гиланган намунавий лойиҳалар асо-сида барпо этилган арзон уй-жой-ларни бориб кўрди.

Одамлар ҳаётини янада фаро-вонлаштириш мақсадида мамлака-тимизнинг барча ҳудудида янги лойи-ҳадаги арзон, замонавий, шинам уй-жойлар қурилишда. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 21 октябр-даги "2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги қарори бў борадаги ишларни янги босқичга кўтармоқда.

Ушбу қарорга мувофиқ Яқкаёғоч массивида ер участкаси 2 сотих бўлган уч хонали уйлар қурилди. Бу уй-ларнинг фойдаланиш майдони 63,5 квадрат метр бўлиб, унда иккита ётоқхона, меҳмонхона, ошхона, юви-ниш хоналари ва қозонхона мавжуд. Ҳовлисида ҳўжалик бинаolari қурил-ган.

Икки қаватли 16 хонадонли ту-рар жой бинаolari икки ва уч хонали қилиб қурилган. Уйларда ётоқхона, меҳмонхона, ошхона ва ювиниш хо-налари ҳудуднинг иқлим шароити, санитария ва хавфсизлик талабла-

ри, ҳалқимизнинг ҳаёт тарзига оид барча жиҳатлар ҳисобга олинган ҳолда барпо этилган.

Уз уй-жойига эга бўлиш ҳар бир инсон ҳаётида қанчалки мўҳим экани-ни барчамиз яхши билемиз, деди Президентимиз. Халқимиз уйи бор-нинг уйи йўқ, деб бекорга айтмаган. Бунинг чуқур маъносига бйрмадай уй-жойлар тақсимотида халқимизга хос ҳақиқат ва адолат мезонларига қатъий риоя этилиши керак.

Қурилиш материалларининг таннархини камайтириш ҳисобига уйларнинг нархини янада арзон-лаштириш, ичимлик суви, ички йўл-лар, электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш, атрофини ободо-наштириш бўйича зарур кўрсат-малар берилди.

Президентимиз янги уй соҳибла-ридан бири Алишер Аҳмедов кона-донда бўлиб, бу ерда яшаш учун яратилган шароитлар билан таниш-ди, дилдан сўхбатлашди. Еш оила аъзолари давлатимиз раҳбарига эъ-тибори ва гамхўрлиги учун самимий миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев Мирмирон массивидаги янгиланган намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйлар-да истиқомат қилувчи аҳоли учун ис-сиқхона ташкил этиш лойиҳаси билан танишди. Ушбу иссиқхона 25 гектар майдонда металл, тахта, плёнка ва бошқа маҳаллий қурилиш материал-ларидан фойдаланилган ҳолда бар-по этилади. Бу ерда лимон, мандар-ин ва папайя каби цитрус мевалар, помидор, бодринг, гулқарам, ҳар хил қўқатлар етиштирилиши режалашти-рилган. Ушбу лойиҳа амалга оши-рилиши натижасида иссиқхонада йилига 3 миллиард сўмлик маҳсулот етиштирилади. Уларнинг бир қисми ички бозор талабларини қондира-ди, қолгани экспортга йўналтирилади. Натижада аҳоли қиш мавсумида ҳам арзон мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминланади. 229 иш ўрни яратилиши аҳоли турмуш фаровон-лигининг орттиришга хизмат қилади.

Янги дастур ишлаб чиқариш, деди Президентимиз. Унга қўра арзон уй-жойларнинг умумий майдони кен-гайтирилиши, нархлар ҳам шунга му-вофиқлаштирилиши. Қўшимча ерда одамлар чорвачилик билан шуғулла-ниши, хоҳласа, мана шундай иссиқ-хоналар қуриб, деҳқончилик қилиши мумкин. Мўҳими, улар ҳам уйли, ҳам ишли-даромадли бўлади.

Президентимиз бундай иссиқхо-наларни қуриш ва улардан фойдала-нишда замонавий технологияларни қўллаш, ишга малакали мутахассис-лар билан бирга, коллеж битирувчи-ларини ҳам кенг жалб этиш бораси-да зарур кўрсатмалар берди.

Шу ерда профилактика инспек-торлари ва қишлоқ врачлик пунктла-ри ходимлари яшаб, хизмат кўрсата-диган турар жой лойиҳаси намойиш этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳридаги "Қарши лезер" қўшма корхонасида бўлиб, Қашқа-дарё вилоятида чарм-поябзал соҳасини янада ривожлантириш дастури, мева-сабзавот етиштириш, янги логистика маркази ташкил қи-лиш, Яқкаёғ, Китоб, Шаҳрисабз туманларида тоқзорлар барпо этиш

бўйича қатор истиқболли лойиҳалар билан танишди.

Қашқадарё вилоятида чарм-поябзал саноатини ривожлантириш ҳудудда етиштирилаётган тери хо-машёсини сифатли қайта ишлашни ташкил қилишда мўҳим ўрин тутяди. Шу мақсадда вилоятда 2017-2018 йилларга мўлжалланган умумий қиймати 12,9 миллион долларлик 18 инвестиция лойиҳасини амалга оши-риш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқилди.

Мазкур дастурга мувофиқ Қарши шаҳри, Деҳқонобод, Китоб ва Нишон туманларида 5 пойабзал, Китоб ту-манларида чарм-атторлик маҳсулотла-ри, "Қарши лезер" корхонасида тай-ёр чарм ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилади. Бу вилоятда йи-лига 1 миллион донга терини қайта ишлаш, 460 минг жуфт пойабзал ва 100 минг донга чарм-атторлик маҳ-сулотлари тайёрлаш, 200 дан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш имконини беради.

"Қарши лезер" қўшма корхонаси-да амалга оширилаётган қиймати 9,1 миллион долларлик лойиҳа намойи-ши этилди. Лойиҳа ҳаётига таъкиб эти-лиши натижасида қўри сифатли, рақобатбардор тайёр чарм ишлаб чиқариш, йилига 45 миллион дол-ларлик маҳсулот экспорт қилиш ре-жалаштирилмоқда. Босқичма-босқич ишга туширилаётган корхонада 300 дан ортиқ иш ўрни яратилиб, уларга асосан коллеж битирувчилари қабул қилинади.

Президентимиз қўшма корхо-на таъсисчилари ва хориқлик ин-весторлар билан сўхбатда ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш, бунинг учун мутасадди идоралар, вилоят ҳокимлиги билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, тақши бозорни ўр-ганиб, экспорт географиясини мун-тазам кенгайтириб бориш зарурлиги-ни таъкидлади.

Қашқадарё вилоятида мева-саб-завотни қайта ишлаш ва экспорт қилиш имкониятлари жуда юқо-ри. Шаҳрисабз шаҳрида ташкил этилаётган "Шаҳрисабз" логистика маркази ушбу мақсадларга хизмат қилади. Илгариги пиллачилик фаб-рикаси ўрнида иш бошлайдиган ло-гистика маркази мева-сабзавотларни етиштириш, тайёрлаш, қабул қилиш, саралаш, қайта ишлаш, жаҳон талаб-ларига мос лабораторияларда тек-шириш, қадоқлаш ҳамда ҳўл, музла-тилган ва қуритилган ҳолда экспорт қилиш билан шуғуллаяди.

Марказ тўла қувват билан ишга тушгач, йилига 25 минг тоннадан зиёд маҳсулот Европа, МДХ мамла-катлари, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея ва бошқа давлатларга экспорт қилинади. Минг киши иш билан таъ-минланади. Вилоятдаги фермер, деҳқон, шахсий томоқра ҳўжаликлар-ига етиштирган маҳсулотини сотиш ҳисобига йилига ўртача 80 миллиард сўм атрофида даромад олиш имко-нияти яратилади.

Чироқчи туманида йилига 8 минг тонна салат барглари, брокко-ли, рангли қарам ва бошқа турда-ги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, мева-сабзавот етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослашти-рилган "Биг агро экспорт" масульши-

ти чекланган жамияти барпо этил-моқда. 194 гектар майдондан иборат қиймати 14 миллион доллар бўлган ушбу корхонада 2 гектарда кўчат етиштиришга ихтисослашган иссиқ-хона, 4000 тонна сизимли совуқтич қурилиши кўзда тутилмоқда. Мазкур лойиҳа амалга оширилиши натижа-сида йилига 6,8 миллион долларлик маҳсулотлар экспорт қилиниб, ту-манда 90 доимий, 500 мавсумий иш ўрни яратилади.

Яқкаёғ, Китоб ва Шаҳрисабз туманларида 2017-2019 йилларда жами 5 минг гектарда янги тоқзорлар барпо этиш мўлжалланмоқда. Яқка-ёғ туманида йилига 4 минг тонна уз-умни қайта ишлаш лойиҳаси амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу лойи-ҳалар билан танишар экан, воҳа-да қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш ва уни қайта ишлашни кенгайтириш, аҳолини ушбу маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш, экспортни ошириш, пировард натижада аҳоли-нинг турмуш даражасини юксалти-ришда мўҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Шу ернинг ўзида мамлакатимиз олимлари томонидан ўрмон фонди ерларида шифобахш ўсимликлар етиштириш лойиҳаси тақдимоти ўт-казилди. Лойиҳага қўра жорий йил-дан бошлаб Қашқадарё вилоятининг тоғ ва тоғлиқ ҳудудларида заъфар-рон плантациялари ташкил этишга киришилади. Ушбу ўсимлик тиб-биёт ва озик-овқат саноатида кенг ишлатилади. Уни кўпайтириш мам-лакатимизда доривор ўсимликлар хомашёсини маҳаллий шароитда етиштириш ва озик-овқат зирavorи сифатида экспорт қилиш имконият-ларини кенгайтиради.

Президентимиз Ўзбекистон фло-раси доривор гиёҳларга бой экани-ни, хусусан, заъфарон ўсимлигининг қадимдан халқ табобатида кенг фой-даланиб келинганини таъкидлади. Мамлакатимизда дори воситала-рини ишлаб чиқаришда шифобахш заъфарон мўҳим хомашё манбаи бўлиб хизмат қилишини қайд этди. Соҳа мутахассисларига бундай ўсимликлар турини кўпайтириш ва плантацияларни кенгайтириш бўйи-ча тавсиялар берди.

Қарши шаҳрида мутасадди раҳ-барлар ва вилоят фаоллари ишти-рокида йилгиш ўтказилди. Унда вилоят иқтисодиётини янги босқичга кўтариш, инфратузилмаларни рив-ожлантириш, муҳандислик-комму-никация тармоқларини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қар-ратилди.

Ушбу тadbирларда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси-ни ривожлантиришнинг бешта усту-вор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда "Халқ билан му-лоқат ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастуридаги мақсад-вазифа-лар ўз ифодасини топди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев-нинг Қашқадарё вилоятига ташрифи давом этмоқда.

МУНОСАБАТ

Ўзбекистон изчил ривожланаётган давлатлар қаторига қиради. Тизимли ислохотлар самарасида мамлакатимиз инвестициявий жозибадорлиги ошмоқда. Хитой ва Ўзбекистон ўртасида турли соҳалардаги мавжуд самарали ҳамкорлик жадал ривожланиб бормоқда. Биз ҳам мазкур ҳамкорлик натижаларига ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан мамнунмиз.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИГИ ОШМОҚДА

Ўзбекистонда барча соҳалар қатори энгил саноат тар-моқларини ривожлантириш учун ҳам жуда катта имконият-лар мавжуд. Серкўёш иқлим ва унмудор заминда етишти-рилган пахта толасига бугун жаҳон бозорига талаб катта. Мамлакатимизда етиштирилган пахта сифати ва толаси-нинг пишиқлиги бўйича дунёда етакчилардан ҳисобланади. Пахтадан тайёрланган маҳсулотлар икки баробар кўп даро-мад келтиради. Компаниямиз бу имкониятларни ҳар томон-лама чуқур ўрганди.

Компаниямиз раҳбарлари Ўзбекистонда бир неча марта бўлиб, бу ердаги шароитлар билан яқиндан танишди. Ўзбе-кистондаги чет эллик инвесторларга яратилган қўлай муҳит бизга ҳар томонлама маъқул бўлди. Тўқимачилик маҳсу-лотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "ЛТ Текстиль Интернейшнл" қўшма корхонасида Қашқадарё вилоятида етиштирилган пахта толасини қайта ишлаб, бозорга тайёр маҳсулот чиқариш мўлжалланган. Биринчи босқичда пахта толасидан ип газлама ишлаб чиқарилади. Бу жараён жорий йилнинг иккинчи чорағидан бошланади. Иккинчи босқич 2018 йилнинг тўртинчи чорағида фойдаланишга топширили-ши режалаштирилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 февраль куни лойиҳа билан танишиб, уни тезроқ ишга тушириш чораларини қўришни таклиф қил-ди. Бу таклиф бизга ҳам маъқул бўлди.

Мазкур лойиҳани тайёрлаш жараёнида Ўзбекистоннинг барча вилоятлари иқлим шароитини ўрганди. Қашқадарё вилоятини танлаганимиз бежиз эмас. Бу ҳудудда етишти-рилган пахта толасининг пишиқлиги, соҳага ихтисослашган касб-хунар коллежларининг мавжудлиги эътиборга олинди. Жорий йилда 60 нафар коллеж битирувчилсини Хитойга ма-лака оширишга юборишни режалаштирганмиз. Бу уларнинг соҳани чуқур ўрганишида ва самарали фаолият бошлашида мўҳим омили бўлади.

Ҳамкорликда олиб бораётган ишларимиз икки томон учун ҳам манфаатли бўлишига ишонамиз.

Чен ЖИ,
"ЛТ Текстиль Интернейшнл" қўшма корхонаси директори.
ЎЗА

ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Боши 1-саҳифада)

Мазкур ҳуқуқий ҳужжат-ларни муҳокама қилиш чоғи-да барча сивсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутат-лар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар ва қонун лойиҳа-лари биринчи ўқишда қабул қилинди.

Сўнгра депутатлар "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига кредиторлар ва қардорларнинг суд орқа-ли ҳимоя қилинишга бўлган ҳуқуқини таъминлашга қар-ратилган ўзгаришлар кир-тишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қўриб чиқдилар. Бундан буён банкротлик тўғрисидаги ишда келишмовчиликларни қўриб чиқиш натижалари юзасидан суднинг апелля-ция инстанцияси чиқарган қарорлар қайта қўриб чиқи-лиши лозим, яъни юқори

инстанцияларга судларнинг қарори устидан шикоят қилиниши мумкин. Умуман олганда, бугун-ги кунда парламент қўйи палатасидаги қонун ижод-корлиги фаолияти жараёни назорат-таҳлил тadbирлари-нинг, депутатлар томонидан ишларнинг ҳақиқий аҳоли ва аҳоли эҳтиёжларини жой-ларга чиқиб шаҳсан ўрганиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилаётгани, бу эса Халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари йилида айнақсиз долзарб эканлиги таъкидланди.

Мажлис давомида де-путатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси вако-латларига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам қўриб чиқ-дилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.

Қорақалпоғистон Республикаси

Нукус шаҳрида замонавий тиббиёт усқуналари билан жиҳозланган лаборатория фойдаланишга топширилди.

Янги лаборатория иш бошлади

Шу муносабат билан Ўз-бекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Респуб-лика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонологи-я илмий-амалий маркази, "Чегарасиз шифокорлар", "Чегарасиз шифокорлар", "Чегарасиз шифокорлар" ҳамда "ЭРБА" каби за-ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Ўз-бекистон сил касаллигини қарши янги дори-дармон-ларни ва қисқа режимларни қўллашни биринчилардан бўлиб жорий этган давлат-лардан ҳисобланади. Соғ-лиқни сақлаш вазирлигининг ҳамда Силга қарши кура-шиш миллий дастурининг йиллар давомидаги иш та-жрибаси амалиётида янги-ча қарашларни қўллаш, бе-морларга, уларнинг оила

Давуд АБИУЛЛАЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Сирдарё вилояти

СИРДАРЁГА ФАЙЗ КИРМОҚДА

УЛКАН БУНЁДҚОРЛИК ИШЛАРИ ТАРАҚҚИЁТГА, ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТИР

Президентимизнинг ўтган йил декабрь ойида Сирдарёга қилган ташрифи билан вилоятта бунёдқорлик, шижоаткорликнинг янги бир бўлимини кириб келди. Улкан қурилиш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, яратувчилик ишлари жадал давом эттирилмоқдаки, ҳамма нарса инсон манфаатлари учун хизмат қилиши керак, деган улут гош кундалик тамойилга, иш мезонига айланди.



Вилоят ҳокими Гофуржон Мирзаёевнинг туман ва шаҳарлар фаоллари билан бўлган учрашувлари давомида қатор муаммолар ўрга-нилиб, шу ернинг ўзида ҳал этилмоқда. Одамларни ҳаётини янада яхши-лаш, халқнинг ичи-га кириб бориш бугун раҳбар ходимларнинг биринчи дара-жали вазифасига айланди.

Вилоятни иқтисодий-иқти-содий ривожлантириш дасту-ри доирасида саноат, хизмат кўрсатиш, сερвис ва қишлоқ ҳўжалиги йўналишида қиймати 1767,1 миллиард сўмлик бир ярим мингта яқин лойиҳа амалга оширилиши,

пировардида 21,7 мингта янги иш ўрни яратилиши кўзда ту-тилган. Хусусан, шу йилнинг биринчи чорағида 45,2 мил-лиард сўмлик 182 та лойиҳа ўзлаштирилиши ҳисобига 1704 та янги иш ўрни барпо этилади. Дастур доирасида бугун-ги кунда 206 та лойиҳага 46,3 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Чунончи, биргина Гулистон туманидаги "Мили Гулистон текстиль" МЧЖда йилига 11 минг тонна ип-кала-ва, 15 миллион метр квадрат газлама ва 2 минг тонна три-котаж мато ишлаб чиқариш лойиҳаси рўёбга чиқарилиши

даги "Соҳил Уммон Барака" МЧЖга бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 1,2 мил-лиард сўм, Янгиер шаҳридаги "Баҳромжон Нур савдо" хусу-сий корхонасига лак-бўёқ маҳ-сулотлари ишлаб чиқариш учун 1 миллиард сўм банк кредитлари ажратилиб, ушбу корхоналарда қурилиш, мо-дернизациялаш ва фаолият-ни кенгайтириш ишларининг авж олдириб юборилганлиги вилоят иқтисоди янада ўси-шини, кишлоқларда ишлаб чиқаришнинг янги йўналиш-лари барпо этилишини таъ-минлайди.

Бундан ташқари, вилоят-да фаолият кўрсатмай келаётган 717 та кичик тад-биркорлик субъекти фаоли-яти чуқур таҳлил қилиниб, уларга амалий ёрдам бериш чоралари қўрилди ва 78 таси қайтадан соғломлаштирилиб, уларда 129 та янги иш ўрни яратилди.

Ҳозирда хориқий ҳамкор-лар билан биргаликда Гули-

Ижтимоий эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" да ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ННТларнинг фаол иштирокини таъминлаш" мавзусида

ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ АЖРАТИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларини назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади:
1. Жойларда қонунлар, фармонлар ва бошқа қонун ҳужжатлари ижроси, ижро ҳоқимияти органлари зиммасига юклатилган функция ва вазифаларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб боришини самарали механизмларини ва амалиётини ривожлантиришга кўмаклашиш;
2. Маҳаллий ижро ҳоқимияти органларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга кўмаклашиш;
3. Маҳаллий ижро ҳоқимияти органлари билан ҳамкорликда аҳоли билан очик мулоқотни йўлга қўйишнинг ҳамда уларнинг мурожаатларига муносабат билдиришнинг янги самарали ташкилий-амалий усулларини жорий этиш;
4. Фуқароларнинг, айниқса, қишлоқ жойларида ва, биринчи навбатда, ёшларнинг, аёлларнинг, кекса ёшдаги шахсларнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишга, турли бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилган қўшма режаларни, дастурларни ва бошқа тадбирларни маҳаллий давлат ҳоқимияти органларининг турли бўғинлари билан ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш;
5. Қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган ёшлар, аёллар ва ёш оилаларнинг бандлигини таъминлашда вертикал тизимга эга бўлган фуқаролик жамияти институтлари, тиждор банклари, бизнес субъектлари билан ҳамкорликни кучайтириш, уларни тадбиркорликнинг турли соҳаларига, шу жумладан, саноат товарлари ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш мақсадида аёллар тадбиркорлиги ва оилавий бизнесни ривожлантиришни кенгайтириш;
6. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат ва фискал органлар билан ҳамкорликда аҳолининг молиявий-иқтисодий саводхонлигини оширишга ва фуқароларни қонунни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш тизимини шакллантиришга қаратилган амалий чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
7. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ва аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтиришда, фуқароларда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарликларга мурасасизлик туйғусини кучайтиришда маҳаллий давлат вакиллик ва ижроия органлари ҳузуридаги комиссияларга кўмаклашиш; "Адолат – қонун устуворлигида", "Аҳоли мурожаатлари – доимий эътиборда" шорлари остида мунтазам равишда турли тадбирларни ўтказиш;
8. Аҳолига сифатли ижтимоий хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтиришга, бундан ташқари амалга оширишга ташкил этишга қўлай шарт-шароит яратиш, барча даражадаги ҳоқимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи боқарши органлари билан ҳамкорликда маҳаллалар ободлигини таъминлашга кўмаклашиш;
9. Аҳолининг турли ижтимоий қатламлари, жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга қаратилган қўшма дастурларни амалга оширишнинг, ҳақамлик судлари, солиқ маслаҳатчилари, бухгалтер ва аудиторлар уюшмаларининг, хотин-қизлар кўмитасининг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фахрийлар кенгашларининг ҳудудий бўлиmlлари билан ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
10. Биринчи навбатда, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт жиҳатидан нисбатан орқад бўлган қишлоқ туманларида, алоҳида аҳоли пунктларида ҳудудларни комплекс ва интенсив ривожлантириш қўшма дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларга янги иш ўринларини, ижтимоий ва маиший инфратузилмани яратишга, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилашга кўмаклашиш;
11. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, оила институтини мустаҳкамлашга, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга кўмаклашувчи комплекс амалий тадбирларни амалга ошириш;
12. "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурини амалга ошириш билан боғлиқ аниқ натижаларни ҳамда иқтисодийнинг ишлаб чиқиш ва либераллаштириш борасидаги жараёнларни кенг ёритишга қаратилган материалларни тайёрлаш ва чоп этиш;
13. Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:
1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Низоми нусхаси;
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади;
6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.
Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 25 миллион сўмгача.
Ҳужжатлар 2017 йил 27 февралдан 3 апрелгача қабул қилинади.
Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.
Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонднинг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.
Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Жиззах вилояти ҚУДАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ

ТАДБИРКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган талаби бугун давлат ва жамоат ташкилотларини ўз фаолиятларини қайтадан қўриб чиқиш ва халққа янада яқинроқ бўлишга ундамоқда. Яқинда O'zLiDeP фаоллари Жиззах туманида бўлиб, тадбиркорлар ва томорқасидан унумли фойдаланётган оилаларнинг иш тажрибалари билан танишдилар.



Тумanning Қаҳрамон маҳалласида яшовчи биринчи гуруҳ ногирони Баҳодир Абдурахмонов паррандачилик соҳасида эришган натижалари ҳусусида гапириб берди. Ишни ҳолисиди мингта парранда сизимига эга товуқхона қуришдан бошлаган тадбиркор уч йилдан буён гўшт йўналишидаги бройлер товуқлари етиштирди. 40 кунда тайёр маҳсулот даражасига етадиган ушбу парранда тури тадбиркорга ҳар ойда ўртача 2 миллион сўм даромад келтирмоқда.

гоҳларига эга. Сифат бора-бора хорижий ҳар қандай саноат қуввати билан беллаша оладиган фабрика маҳсулотлари Тошкент шаҳри, Самарқанд ҳамда водий вилоятларига етказиб бериляпти. – Корхонамизда қишқикийим-кечаклар ишлаб чиқарилади, – дейди Марҳаб Маҳкамова. – Эндиликда 1 миллиард сўм кредит олиб, баҳорги ва ёзги кийимлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз.

Шундан сўнг тумanning Сўлоқли маҳалласида яшовчи тадбиркор Шарофат Нориеванing хонадонида ўқув семинари уюштирилди. Унда тумanning турли ҳудудларида яшовчи хотин-қизлар, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иштирок этдилар. Ўқув аввалда катнашчилар тадбиркорга тегишли иссиқхонада бўлиб, гулчилик тўғрисида маълумот олишди.

Шарофат Нориева йиғилганларни фермер хўжалигининг имкониятлари билан таништирди. Чунончи, ушбу хўжаликда 5 гектар ерда бугдой, 8 гектар жойда исмалож, 3 гектарда гул, 1 гектар майдонда арча, яна 1 гектар ерда терак етиштирилмоқда. Шунингдек, фермер хўжалиги 80 сотиқлик иссиқхонага эга, Хўжалик ихтиёрида Герма-

плёнка билан қопланган боис, экинзорни иситиш шарт эмас. Яъни 15 даража совуқда ҳам иссиқхона ичи 2-3 даража иллик бўлади. Лимонлари тўла ҳосилга киргач, ҳар тупи 250 килограмдан мева беришни билдирган Маъруфхон Саидвалиев аҳолини тадбиркорликка ўргатиш мақсадида ўқув семинарларда тренер сифатида иштирок этишини маълум қилди.

Маҳалланинг яна бир тадбиркор аёли Мухаррам Турғунбоева ҳам томорқа хўжалигини ривожлантириш орқали оиласи турмушини обод этмоқда. – Уч ярим сотиқ майдонга эга иссиқхонамизда пиёз, редиска етиштирялмиз, – дейди Мухаррам Турғунбоева. – Ҳар сотиқдан бир миллион сўм даромад қилаёلمиз. Иссиқхона йилига тўрт марта ҳосил олиш имконини беради. Бу йил лимон етиштиришни ҳам ният қилганмиз.

Меҳмонлар тумандаги "Одина скарлет текстиль" масъулияти чекланган жамиятида ҳам бўлишди. 2014 йилда олинган 365 миллион сўмлик кредит эвазига маъмурият йўлга қўйилган мазкур корхонада йилига 390 миллион сўмлик 13 минг донна киши кийимлар ишлаб чиқаришнинг "Stall" русумли энг замонавий тукув даст-



БАҲОР БОШЛАНМОҚДА, МАЙСАЛАР ЛАВРЛАШИ ДЕҲҚОНДА МАСЪУЛИЯТ ТАЛАБ ЭТАДИ

Ғалладан нўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун эрта баҳордан уни минерал ўғитлар билан табақалаштирилган ҳолда озиклантириш, суспензия, стимуляторлар сепиш, бегона ўтлар, касаллик ва зараркундаларга қарши курашиш каби агротехник тадбирларни қўллаш талаб этилади.

плет ТТ-0.3-0.5 л/га, Титул 390-0.26 л/га, Титул ДУО -0.6 л/га, Алтосупер 0.3 л/га, Рекс ДУО -0.4-0.6 л/га меъёри яхши самара беради. Ғаллани иккинчи озиклантириш март ойининг энг муҳим тадбирларидан ҳисобланади. Бу пайтда бугдой найчалаш босқичида ўсимликнинг вегетатив органлари кескин кўпайган, энг асосийси, поялар сони ортган бўлади. Шу боис, бугдой найчалаш босқичида азотли ўғитлар йиллик меъёрининг 50-55 фоизини талаб қилади.

Найчалаш даврида ўсимликни намлик ва озика моддалар билан таъминлаш

Мавсумий парваришини бошлашдан олдин 50-60 метр оралиқда кўндаланг ўқариқлар олиш, ариқ ва дала уватларини тозалаш зарур. Дала четлари кенроқ бўлса, чизеллаб, бегона ўтлар ва зараркундаларга ўчоқларини йўқотиш лозим. Маълумки, эрта баҳорги биринчи озиклантириш ишлари аксарият ҳудудларда 20-25 февралдан бошланади. Бунда ўртача ҳарорат +6 даражадан юқори бўлганда йиллик азотли озиклантиришнинг 25 фоизини бериш мақсада мувофиқдир.

Майсалар ривожига сўст бўлган майдонларга суспензия сепиш ўсимликнинг эрта баҳорги ривожланиш жараёнини тезлаштиради. Бугдой найчалаш даврида баргидан озиклантирилса, фотосинтез жараёни яхшиланади, занг касалликлари билан зарарланишининг олди олинади.

Юқори ҳосил олиш учун сўғоришни "шарбат" усулида 2-3 марта амалга ошириш зарур. Шунинг таъкидлаш лозимки, "шарбат" учун фақат чиринган гўнган фойдаланиш талаб этилади. Акс ҳолда бу арготадбир бегона ўтларнинг кескин кўпайишига хизмат қилади. Эртагишар навлар ўрта ва кечгишар навларга нисбатан 10-12 кун эрта найчалаш даврига кирди. Бу эса уларни бошқа навларга нисбатан камиди 12-15 кун эрта озиклантиришни талаб этади. Шунинг учун ҳозирданок бунга тайёргарлик қўриш лозим.

Сирасини айтганда, бу йилги об-ҳаво нафақат сўғориладиган, балки лалми майдонлардаги бошоқли дон экинлари учун ҳам қўлай келмоқда. Деҳқонларимиз бундан унумли фойдаланиб, барча агротехник тадбирларни оби-тобда амалга оширишса, қўзланган мақсадга эришилади. Ботир СУЛАЙМОНОВ, Тошкент давлат аграр университетининг ректори, профессор, Абдулло МАНСУРОВ, тадқиқотчи.

Сир эмаски, бегона ўтлар бошоқли дон экинларига катта зарар етказмоқда. Олиб борилган тажриба натижаларига кўра, ғалла майдонларида кенг тарқалган бегона ўтлар бугдой ва арпа майсаларига нисбатан суви 330-1900 марта, озика моддаларни ҳам улардан кўпроқ ўзлаштиради. Бегона ўтлар уруғи аралашган доннинг сифати 20-25 фоизгача пасаяди. Айрим бегона ўтларнинг уруғи ёки пояси аралашган ғалла инсон саломатлиги ва чорва молларига зарар етказиши ёки уларни захарлаши мумкин. Жумладан, қакра, туюқорин уруғлари бўлган дондан ячқилган ун истеъмолга ариқсиз бўлиб, турли касалликларни келтириб чиқаради. Кўйнек ва кўми ўт эса ғаллага чирмашиб, пояларни етказиши. Натيجида ўрим-йиғим самарадорлиги 30-40 фоизга пасайиб, дон тўқилади. Қикаси, бегона ўтлар қоплаган далаларда ғалла ҳосили ўртача 15-18 фоизга ноубуд бўлади. Унутмаслик кераки, найчалаш даври-

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди "Мамлакатда рўй бераётган демократик ислохотларнинг аниқ натижалари тўғрисида миллий ва хорижий аудиториянинг хабардорлигини ошириш, сўз эркинлигини ва ахборот олишни, ОАВни янада либераллаштиришни таъминлашга кўмаклашиш" мавзусида

ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ АЖРАТИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларини назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади:
1. Мамлакатимиз Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган янги қонунлар, Президентимиз ва Ҳукуматнинг фармонлари ва қарорлари асосий жиҳатларини аҳолига етказишини самарали инновацион механизмларни яратиш ва оммавий ахборот воситаларида жорий қилиш;
2. Қонунларнинг таъсир даражаси ва аҳоли билан мулоқот янги усулларини, ижтимоий муносабатларни бевоқиф тартибга солишдаги ролини ёритишнинг инновацион механизмларини оммавий ахборот воситалари фаолиятига таъбиқ этиш;
3. Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти очиклигини ва ошқоралигини таъминлаш борасидаги ишларда оммавий ахборот воситалари фаолиятини кучайтириш;
4. Қонун лойиҳаларининг эксперт муҳокамасини оммавий ахборот воситаларида ташкил этиш, жумладан, махсус теле ва радио кўрсатув ва шизитиришлар уюштириш, интернет ва босма мақолалар чоп этиш ва бошқалар;
5. Иқтисодий, молиявий, ижтимоий соҳаларда, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган материалларни оммавий ахборот воситаларида тайёрлаш ва чоп этиш;
6. Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти ва санъати, буюқ шахслари, республикамизнинг турли соҳаларида демократик ислохотларнинг замонавий босқичида эришилган ютуқлар тўғрисидаги маълумотларни чет тилларда тайёрлаш ва интернет тармоғининг махсус манбаларига ҳолаштириш;
7. Ўзбекистоннинг туристик, маданий-тарихий, гастрономик, экотуристтик салоҳияти, шунингдек, ижтимоий инфратузилмаси тўғрисида ахборот ва таҳлилий маълумотларни чет тилларда кенг ёритишнинг янги усулларини хорижда жорий этиш, Ўзбекистонга хорижий сайёҳларни жалб этишга кўмаклашиш;
8. Ўзбекистон ва мамлакатимиз ҳудудларининг иқтисодий, ижтимоий ва инсон салоҳияти ҳақида таҳлилий маълумотларни, роликларни ва бошқа маълумотларни тайёрлаш ва эфирга узатиш, уларни миллий ва хорижий етакчи оммавий ахборот воситаларининг сайтларида жойлаштириш;
9. Хомашё ресурсларини қайта ишлаш, қишлоқ жойларида илгор технологияларни ва юқори интеллектуал салоҳиятга эга ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқишни жорий этиш соҳаларига хорижий давлатларнинг реал инвестицияларини жалб этиш учун яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлар тўғрисидаги ахборотларни хорижда кенг тарқатиш;
10. Замонавий Ўзбекистоннинг тинчлик ва барқарорлиқни, фуқаролар тўтовлигини таъминлаш борасидаги ютуқлари, мамлакатдаги бағрикенглик тамойиллари, тарихий ва маданий мерос, аҳолининг урф-одатлари ва қадриятлари тўғрисида ахборот, таҳлилий материаллар ва янгиликлар билан таъминлаш ҳамда уларни миллий ва хорижий медиа манбаларда тарқатиш;
11. Ўзбекистонда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, барқарор ривожланаётган жамиятнинг негизи бўлиши оила институтини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган материалларни хорижий ва миллий оммавий ахборот воситаларида чоп этиш;
12. Соғлом фарзандлар дунёга келишининг муҳим омилли сифатида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, болаларнинг туғма касалликларига ва нуқсонлар билан дунёга келишининг олдини олиш ва профилактикасига бағишланган материаллар тайёрлаш ҳамда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида чоп этиш;
13. Ёшлар тўғрисидаги давлат сиёсатининг амалга оширилиши, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш чора-тадбирлари, ёшлар орасида китоб ўқиш маданиятини шакллантириш ва аҳоли кенг қатламлари ўртасида тарғиб этиш борасида материаллар тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларида ёритиш;
14. Атроф-муҳитни асраш, ҳудудлардаги ноёб турдаги ўсимликлар, ҳайвонлар ва қўшларни муҳофаза қилиш ҳамда экология соҳасида ижтимоий муҳим лойиҳаларни амалга ошираётган ННТлар фаолиятини ОАВда ёритишни қўлайтириш ҳамда экологик журналистикани ривожлантириш;
15. Мамлакат ҳудудларининг турли соҳаларда эришган ютуқларини ва салоҳиятини, амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини кенг ёритадиган интернет сайтларни яратиш ва интернет оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш;
16. Жойлардаги давлат ҳоқимияти органлари, санитария-эпидемиология назорати марказлари ҳамда бошқа манфаатдор давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда обод маҳаллаларнинг илгор амалиётини ўрганиш ва уларнинг ютуқларини бошқа маҳаллаларга тарғиб этиш, "Экологик ўрнатма маҳалла" танловини ўтказиш;
17. Ижтимоий етимликнинг олдини олиш, алоҳида эҳтиёждор болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг мослашуви ва бўш вақтини сифатли ташкил этиш, турли хилдаги спорт турларига, фан, маданият ва тасвирий санъатга жалб этиш;
18. Болалар уйларида ота-она қаровисиз қолган етим қиз болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларда ҳаётий кўникмаларни шакллантиришга оид тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш. Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:
1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Низоми нусхаси;
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади;
6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.
Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 25 миллион сўмгача.
Ҳужжатлар 2017 йил 27 февралдан 3 апрелгача қабул қилинади.
Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.
Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонднинг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.
Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

ҚАРОР ВА ИЖРО

АРЗОН, КЎРКАМ ВА ЯШАШ УЧУН ҚУЛАЙ

ЯНГИЛАНГАН НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА ҚУРИЛАЁТГАН УЙ-ЖОЙЛАР ХАЛҚИМИЗГА МАНЗУР БЎЛМОҚДА



манида шулар билан бир қаторда шаҳарларда ҳам аҳолига арзон ва замонавий уй-жойлар қуриш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 22 ноябрдаги "2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп қавтрли уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ келгуси йилларда шаҳарларда 945 та кўп қавтрли уй-жой қурилиши режалаштирилган. Биргина шу йилда 191 та кўп қавтрли уй қурилиши белгиланган.

Шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини тобора янгилашга қаратилган, дунё ахли ҳавас қилса арзиғулик бундай бунёдкорлик ишлари эса фуқароларимизга мамнуният бағишлаши билан бирга, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

Сайидодил САЙИДИСЛОМОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари муқаддас Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашда улғу ва эзгу мақсадни рўйбга чиқаришга қаратилган. Бу борада сўз юритганда, 2009 йилдан бунёд қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши қўламининг кенгайиб бораётгани тўғрисида халқимиз турмуш фаровонлиги юксалаётганини таъкидлаш жонз.

чиликка манзур бўлмоқда. Жорий йилда 15 мингта янги уй-жой қуриш режалаштирилган. Уларда миллий меъморчилик, ҳудудларимизнинг ўзига хос табиий иқлим шароити ва замонавий муҳандислик коммуникациялари уйғунлашди. Шунингдек, барпо этилаётган янги уй-жой массивларида иқтисодий инфратузилма объектлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида ўтказилган матбуот анжу-

2009-2016 йиллар давомида қишлоқ ҳудудларидаги 1 минг 308 та турар жой массивида умумий майдони 9 миллион 573 минг квадрат метр бўлган 69 минг 557 та уй-жой қурилди. Натижада қишлоқлардаги 83 мингдан ортиқ оиланинг яшаш шароити яхшиланди.

Халқимизнинг уй-жойларга ошиб бораётган талаб-эҳтиёжини тўлиқ қондириш, аҳолига муносиб ҳаёт шароитини яратиб бериш ҳозирги кунда ҳам давлатимиз сийosatининг асосий йўналишларидан биридир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги "2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги қарори қишлоқ аҳолисининг замонавий уйларга эгалик

қилиш даражасини сифат жиҳатидан оширишга, ер ресурсларидан самарали фойдаланишга ва қишлоқларда яқка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантиришга хизмат қилаётгани билан муҳим аҳамиятга молик. Дастурда қишлоқ жойларда нарх параметрлари ва шинамлилигига кўра яқка тартибдаги уй-жойлар намуналарининг учта энг арзон турларини кўшимча равишда барпо этиш назарда тутилган.

Агар 2009 йилда қабул қилинган қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жойлар қуриш дастурига мувофиқ уйлар учун бошланғич бадал 25 фоизни ташкил этган бўлса, янги дастур бўйича ушбу бадал биринчи ва иккинчи турдаги уйлар учун 15 фоиздан иборат экани кўп-



101 ОГОҲЛАНИТРАДИ

ЭХТИЁТКОРЛИК УМР ФОЙДАСИ

Кўча-кўйда болаларнинг ҳазонларини ёқишга тўғри кўзимиз тушади. Бундай "машгулот"нинг оқибати нима билан тугашини олдиндан айтиб бўлмайди.

Мабодо чўғ куруқ шох-шаббаларга тушиб қолгудай бўлса, аланга чиқиб, турар-жой бинолари, иншоот бундан зарар кўриши мумкин. Бундан ташқари, ҳазонларни ёқиш атмосферасини ифлослантиради.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам бепарво бўлмасак, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсак, бу борадаги муаммолар пайдо бўлишининг олдини олган бўламиз.

ЁқУ ОХУНОВ, 12-ҲЕҲО 23-ҲЕҲҚ кичик инспектори, сафдор.

ЭЪЛОН

Тошкент ш. Ҳама т. ҳолатининг 28.04.2003 й. да 904-сонли давлат асоси ва Ҳама т. ТРҲИда (реестр № 001614-07, 06.07.2010 й.) Алоқалар қўш. а. 45/2 шифони бўлига ўйлаштирилган "АДАВ-РАЙТИМ" ШУЎБЕ корхонаси (СТР № 3020898223) туғилган (эшик ўзи тугатиш тўғрисида 23.02.2017 й. да 1-сонли Бойнома). Қўш. тўра ва дўшторлар дельталари 2 ой мўддатда 234-04-03 тел. орқали қабул қилинади.

Сурхондарё ВИЛОЯТИ Деҳқон тақвими бўйича хут буржи кирди. Табиат уйғонишга юз тутди. Офтобрўйда қоқиғуллар юз кўрсатди. Шўҳроқ дарахтлар кўртак очди. Сурхондарё вилоятида эса бодом гуллади.

СУРХОНДА БОДОМ ТУЛЛАДИ

Баҳор бошланади Сурхондан...

Воҳалик шоир Абдуназар Худойназаровнинг бир шеъри ана шундай мисралар билан бошланади. Ҳа, юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳали қишининг изгиринли кунлари ўз ҳукмини ўтказиб турган бир пайтда Сурхонда бодом гуллаб, баҳордан дарак беради.

Оламда баҳор нафаси сезилди. Мусаффо осмонга чарақлаб чиққан кўёш дилларини-да нурафшон этди. Кўнгилларда ҳам баҳор нафаси кезди. Эзгулик ва бунёдкорлик, яратувчилик кайфияти диллимизни равшан этди. Бугун жануб жа-

воҳири, дея таъриф олган Сурхон воҳаси кўзни қувнатди. Ҳали февраль ойи яқунланмасдан чор-атроф, боғ-роғлар бодомнинг қий-гос гули билан янада кўрткамлашган.

Кетмонида кўёш акс этган бободоҳонлар белни маҳкам Боглаганча далага отланмоқда. Кайвони моголаримиз аллақачон дошқозонларда сумалак қайнатиб, яратгандан бу йилги баҳорнинг баракали келишини, деҳқончилик мўл, ҳосилдорлик юқори бўлишини сўраб ният қилишмоқда.

Дошқозонда сумалак, Коваламаган армонда, Бир-бирининг кўнглини,

Овламаган армонда. Сумалакжон, сумалак, Сумалакжон, сумалак...

Ҳар биримиз яхши тилаклар билан сумалак қовлашимиз. Элга, юртга тинчлик доимо ёр бўлишини, йил баракали келишини ният қиламиз.

Баҳор ўзи билан Наврўз мўждасини ҳам олиб келмоқда.

Юртдошларимиз яшарши ва эзгулик фаёли баҳорни ана шундай кўтаринки руҳда қутиб олмоқдалар. Тилларда, дилларда эзгу сўзлар, эзгу тилаклар.

Хуш, кеп! Юртимга Баҳор! Дилфуза ЖЎРАЕВА

Реклама ва эълонлар

ТАДБИРКОРЛИККА ҚАДАМ «АСАКА» БАНК БИЛАН!

Бизнесингиз учун 20 дан ортиқ йўналишларга микрокредитлар. ASAKA BANK logo and text.

Grid of icons representing various agricultural and financial services: Чорвачилик, Қўенчилик, Паррандчилик, Узумчилик, Сабзавотчилик, Боғдорчилик, Ихчам иссиқхона, Асаларчилик, Новвоёхона, Қандолат маҳсулотлари, Миллий ширинликлар, Балиқчилик, Хунармандчилик, Қасаначилик, Маҳсулот ишлаб чиқариш, Автомобилларни ювиш шахобчалари, Автомобилларга техник хизматлар, Транспорт хизмати, Компьютер хизматлари, Тикувчилик, Пойабзал тўзатиш, Сартарошхона ва гузаллик саломи, Кимёвий тозалаш хизмати.

«АСАКА» БАНК – ТАДБИРКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ! (+99871) 120 13 51, 120 26 37, 120 26 40. www.asakabank.uz. Хизматлар лицензияланган.

«АГРОБАНК» акциядорлик тижорат банки маълум қилади. «Агробанк» АТБ бошқарувининг 2017 йил 6 февралдаги қарорига асосан банк хизматлари учун ўрнатилган тарифларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар билан банкнинг ҳудудлардаги филиалларида танишишингиз мумкин. Хизматлар лицензияланган.

«Упахтаёв» акциядорлик жамияти иккун аппарати жамоаси жамият маъсул ходими Алишер Исроиловга ўли Фарҳоднинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради. Тошкент давлат аграр университети жамоаси университетнинг «Усимликларни ҳимоя қилиш ва карантин» кафедраси профессори Абдусант ШЕРАЛИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таяниш изҳор қилади.

QISHLOQ HAYOTI. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграрноат комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ. ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Зойир МИРЗАЕВ, Соҳибжон ТУРДИЕВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Яшин ХИДИРОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Абдуваҳоб ТАМИКАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚўЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шодийр ЙЎЛДОШЕВ (Маъсул котиб). Тел.нонлар: Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-26-42, Аграр масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Иқтисодий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-76-78, Факс — 233-44-43, 233-09-93. Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04. web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-82-04. Вилоятлар: Андижон (+99893) 630-73-03, Бўлро (+99891) 401-28-59, Жиззах (+99853) 940-00-27, Намангон (+99891) 332-50-99, Фаргона (+99890) 407-76-03, Самарқанд (+99893) 994-57-08, Сурхондарё (+99894) 169-23-50, Тошкент (+99890) 976-39-58, Хоразм (+99897) 792-71-25, Қашқадарё (+99891) 635-08-03.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буортма Г-213, ҳажми 2 Босма табоқ. Офсет усулида Босилди, қозғ бичими А-2. Манзилимиз: d00000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Газета тахририятининг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Марк ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди. 26081 нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ — 144. Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 01.40.

ISSN 2010-7021. Навбатчи муҳаррир: РСУЯРОВА. Мусоҳҳиҳ: Д.КОМИЛЖОНОВА. 9 7 7 2 0 1 0 7 0 2 0 0 7.